

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари
қурилиш буйича инжиниринг компанияси»
УК Қорақалпоғистон Республикаси Худудий
бошқармаси директори

“ ” 2022 й
А. Абдуқимов



УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

1. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект буйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган объект буйича танлов эълон қилади.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойihalашдан олдин, лойиха, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Танлов мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ - 408 сонли қарорига асосан, 2022 йил Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани "Оқбошли" ОФЙ худудига сув тақсимлаш иншооти ва етказиб бериувчи ичимлик сув тармоғини янгидан қуриш объектининг лойиха – смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари.

1.3 Танлов охириги қиймати: лойиха– смета ишлари ҳамда лойиха олди ҳужжатлари(ЗВОС, экологик ҳулоса, АРТ, объектни техник урганиш, лойиха кидирув ишлари ва геология ҳулосаси) валойиха - смета ҳужжатлари учун "Шахарсозлик ҳужжатлари" экспертизаси ҳулосасини олиш ишлари қилинади. ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортик қийматдаги тақлифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.4 Танлов тақлифда кўрсатилган нархлар четара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5 Хизматларни кўрсатиш буйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.6 Харид комиссияси йигилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

2 Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи – «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш буйича инжиниринг компанияси» УК Қорақалпоғистон Республикаси Худудий бошқармаси (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи харид комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.3 Танлов қисмида 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар хар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

3.2 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (оқлаб олиш);

б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ уз тақлифини тақдим этиш;

*Тўрткўл тумани "Оқбошли" ОФЙ худудига сув тақсимлаш
иншооти ва етказиб бериувчи ичимлик сув тармоғини янгидан
қуриш объектига*

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Нукус шаҳри 2022 й.

4.2 Куйдаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари таъкикланади:

- а) Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- б) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилганлиги;
- в) "Буюртмачи" билан суд ёки арбитр ҳолатида бўлиш;
- г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қардорликнинг имтиёзли солиқ режими таъминланмаган ваёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган шартларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: оферентлар ва буюртмачи ўртасида аффилиланганлик ҳусусияти аниқланганлигида (бунда оферент тақдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррумпцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза қилинмаса, баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар тақдим этилмаганда.

4.4 Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- а) Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг тегишли иш стажига ва соҳавий тажрибига эга бўлиши кераклиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага эгаллиги, лицензияси объектнинг мураккаблик тоифасига тўғри келиши, ушбу ҳудудда ишлаган соҳавий объектларнинг рўйхати, лойиҳаси бош режалари кўрсатилиши лозим, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

- б) Ушбу соҳа бўйича ишлаган объектларнинг рўйхати кўрсатилиши шарт.
- в) Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши; бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин камда 1 йил иш кўрсатганлиги, тажрибига эга бўлиши, устас фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзиқлар ва ҳужжатлар Давлат ёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи Давлат ёки рус тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов низимидан фойдаланиш керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонда кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Оферент таклим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

6.3.1. Шақлар рўйхати:

1-шақл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шақл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Иловалари ва тасдиқловчи билан).

3-шақл. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси, соҳавий ишлари лойиҳаси рўйхати.

4-шақл. Танлов иштирокчисининг ишларини бажаришда офис техникасининг рўйхати ушбу соҳа тегишли офис техникасининг кўрсатиш лозим (бунда зарур ҳолларда тегишли расмларни тақдим этишни талаб қилинша ҳақли).

6.3.2. Иловалар рўйхати:

1 - илова. Лойиҳа олдидан лойиҳа смета ҳужжатларини бажариш таклифи.

2 - илова. Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишларини бажариш графиги.

6.3.4. Тижорат қисми:

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг бошлангич нархи.

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг муддати; Шартнома лойиҳасидан иборат.

6.4 Шунингдек, иштирокчи барча танлов ҳужжатларини электрон тарзда тайёрлаши ва маҳсул порталига жойлаштириши керак

6.5 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.6 Техник таклиф иловаларга мувофиқ тўдирлиб, тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши зарур.

6.7 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича харид комиссияси масъул.

7.2 Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Харид комиссияси танлов ҳолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларига кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Танлов ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун енг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси толиб ҳисобланади.

8. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишликирувчи таклифлар ёзувларини юридадиган ва уларнинг ҳавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошқор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга руҳсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ҳолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

Масъул